



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
28 июль
ШАНБА
№ 59
(12.487)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ТАҚДИРИМсан, БАХТИМсан, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ

ЕЛИМ АШЁСИ КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ

"Клей ойна инвест" масъулияти чекланган жамиятининг иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ.
Шунга қарамай, корхона импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш билан ички бозорда ўз ўрнини топишга интиляпти. Хусусан, корхонада қурилиш ва халқ ҳўжалигида кенг фойдаланиладиган елим ашёларини тайёрлаш

ўзлаштирилди. Бунинг учун таъсисчиларнинг ўз маблағидан ташқари банк молиявий кўмаги қўл келди. Корхонада қисқа фурсатда дастлабки қадоқланган сифатли елим маҳсулотлари буюртмачиларга етказиб берилди.
Барно НУРИДДИНОВА.

БЎКА ТУМАНИ

ҲАММАСИ ШУ ЕРДА МУЖАССАМ

"Тошлоқ" маҳалласи аҳли яна бир қулайликдан баҳраманд бўлди. Бу ерда "Қудратилла авлод" кичик корхонаси томонидан қисқа фурсатда муҳташам савдо ва маиший хизмат курсатиш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.
Лойиҳа қиймати қарийб 2 миллиард сўмлик бўлган мазкур иншоот 400 ўринли маросимлар уйи, умумий овқатланиш ва турли маиший хизмат курсатиш шаҳобчаларини

ўз ичига олган. Энг муҳими, мажмуанинг иш бошлаши билан 35 нафар бўкалик йигит-қизларнинг доимий бандлиги таъминланди.
Шерзод МАРДИЕВ.

БЕКБОД ШАҲРИ

ОИЛА МУҚАДДАС – ВАТАН ЯГОНА

"Ўзметкомбинат" очик акциядорлик жамиятида "Мустақкам оила йили" Давлат дастури ижросига бағишлаб давра суҳбати уюштирилди.
Унда шаҳар ФХДБ бўлими мутахассислари, шифокор ва ҳуқуқшунослар иштирок этди. "Оила муқаддас – Ватан ягона" мавзусида ўтган тадбирда оила мустақкамлигини таъминлашда эътибор қаратилди.

ши лозим бўлган жиҳатлар, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида никоҳ муқаддаслигини тушунириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга алоҳида урғу берилди.
Мақсуда БОБОЕВА.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

БИЧИМИ СОЗ, ЧОКИДА АЙБ ЙЎҚ

Тумандаги "Фароғат" хусусий корхонасида тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.
30 нафар маҳаллий чеварларнинг бандлигини таъминлаган корхона 200 миллион сўмлик замонавий тикувчилик дастгоҳлари билан таъминланди. Айни пайтда жамоа

ички бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда сифатли болалар ва катталар учун мўлжалланган кийим-кечеклар етказиб бермоқда.
Аъло ҒАЙРАТОВ.

БЕКБОД ТУМАНИ

НОНУШТА, ТУШЛИК ВА КЕЧКИ ОВҚАТ УЧУН

Туманда сутни қайта ишлашга мўлжалланган яна бир лойиҳа – "Оқ чашма" хусусий корхонаси иш бошлади.
Бунинг учун корхона 30 миллион сўмлик сарможа эвазига илҳам ва замонавий минитехнология билан жиҳозланди. Натияжада бу ерда

5 нафар кишининг бандлиги таъминланди, йилга 310 тонна сутни қайта ишлаш имконияти вужудга келди.
Раҳматжон АЛИМОВ.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Халқаро журналистларни қайта тайёрлаш маркази ҳамда ЮНИСЕФ ҳамкорлигида семинар-тренинг уюштирилди. Уни ўтказишдан кўзланган

мақсад оила институтини мустақкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, оила – соғлом жамият, кучли ва барқарор мамлакат кафолати эканини жамоатчиликка етказишдир.

Шунингдек, ушбу масалаларни ёритишда журналистлар эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳатлар статистика маълумотлардан оқилона фойдаланиш, манбаларни излаш, топши усуллари хусусида тўхталди.

Мавзуга оид чоп этилган материаллар таҳлили эса иштирокчиларда фикрлар хилма-хиллигини ошириш билан бирга тажриба алмашишига имкон берди.
Илмира ҚУРБОНОВА.



КОРХОНА МАНЗИЛИ: БАЙТҚЎРҒОН

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли мазкур соҳа вакиллари моллари ишлаб чиқаришдаги улуши беқисс даражада ортиб бораёпти. Қувонарлиси, ислохотлар жараё-

нда ишлаб чиқаришга замонавий, илҳам ва тежамкор технологиялар тобора кенгроқ жалб этиляптики, бу ўз навбатида, маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш бора-борида тадбиркорлик тузилмаларига ҳам катта иқтисодий наф келтир-

моқда.
Мамлакатимизда тадбиркорлик билан эмин-эркин шуғулланишни хоҳлов-

ланган жамият шаклидаги "Соф гигиеникс" корхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

– Мамлакатимизда тадбиркорлик билан эмин-эркин шуғулланишни хоҳлов-

(Давоми 2-бетда).

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЁШЛАР МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАМОҚДА

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят ва Оққўрғон тумани кенгашлари касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида кенг қўламли тарбиёт-ташвиқот ва ташкилотчилик ишларини олиб бораётирлар. Жумладан, коллежларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда семинар йиғилиш ва учрашулар ташкил этилмоқда. Партиянинг "Ёшлар" қаноти бу борада алоҳида фаоллик кўрсатаётир.

Яқинда бандликка кўмаклаш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман маркази билан ҳамкорликда Оққўрғон ижтимоий-иқтисодий ва хизмат курсатиш касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш ўринлари билан таъминлашга бағишлаб, "Корхона – коллеж" таҳлилий тадбири ўтказилди. Ёшларнинг иш жойларини белгилаш ниҳоясида етгани, туманда 1,2 мингдан ортиқ битирувчи, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ва хизмат курсатиш касб-хунар коллежини илк бор битираётган 230 нафар йигит-қиз тўлиқ ишга

йўлланма олганлиги таъкидланди. Улар 108 та корхона ҳамда ташкилот, фермер хўжаликлари ва бошқа муассасалардаги янги иш ўринларида ўз меҳнат фаолиятларини бошламоқдалар. Битирувчилар меҳнат ва дам олиш шартлири, иш ҳақлари, қўшимча имтиёзлар билан вақтида таъинирилганлиги бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Ўзбекистон "Адолат" СДП сағифа янги қабул қилинган бир гуруҳ ёш аъзоларга партия билетлари ва эс-далик совғалар топширилди.
Юсуф ЖУМАЕВ.

МАЪНАВИЙ МУҲИТ СОҒЛОМЛИГИ ЙЎЛИДА

Бўстонлик туман ҳокимлигида жамиятда маънавий-ижтимоий муҳитни соғломлаштириш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.
Унда туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилар ва посбонлар, ўқув муассасалари раҳбарлари иштирок этди.
Тадбирда мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлиги самараси хусусида сўз борди. Шунингдек, ёшлар, уларнинг тарбияси, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш масалалари қўриб чиқилди.
Ирода НОРБОВЕВА.

2012 йил – МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

ТУП ҚЎЙИБ, ПАЛАК ЁЗМОҚ БАХТИ

Мен маҳалла маслаҳатчиси сифатида доимо одамлар орасидаман. Уларнинг қувончу ташвишлари, яхши-ёмон кунларида бирга бўлиш, қўлдан келганича қорига яраш, ҳаётий шиоримга айланган.

Маълумки, бугун бизни ўйлантираётган асосий муаммолардан бири қизларнинг кўр-кўрона турмуш қуриб, рўзгор аталмиш оғир ва масъулиятли юкни бевақт, ҳали тайёр бўлмастан туриб ўз гарданларига олаётганликларидир. Эрта турмуш қуриш оқибатида еш оилалар бевақт пароканда бўлиб кетаётир. Натияжада мурғак гўдаклар етим бўлиб қолмоқда, туғруқдан кейинги асоратлар еш оналар саломатлигига салбий таъсир кўрсатапти, кўпинча носоғлом болалар дунёга келаётганлиги бугун барчамизни жиддий ташвишга соляпти.
Қиз бола тарбияси ота-

онага ўзига хос масъулият юклайди. Бу жараёнда кўполликка, жалғга эрк бериб бўлмайдди. Зеро, унинг кўнгли нозик, табиати мулойим, юмшоқ. Шу боисдан оталар кўпроқ қизларини эркалашади, кўнгилларига қарашади. Баъзан бу эркалаш қимматга тушиб қолиши мумкин. Фейл-атвори ўзгарган қиз болани уриб бўлмас... Шу сабабли шўхроқ қизларини мактаб ёки лицейни битиришлари билан турмушга бериш ташвишга тушиб қолаётган ота-оналар кўпайиб бораёпти. Бирор касб-хунар ўргатиб, тезроқ "эгаси"га топширишни ўйлаб, кўп ҳолларда бирин-

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИ ШВЕЙЦАРИЯ МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Яқинда Швейцарияда нашр қилинадиган "GHI" газетасида "Қиёси йўқ мовий шаҳарлар. Ўзбекистон: Марко Поло учун Самарқанд, Бухоро ва Хива дунёнинг энг гўзал шаҳарлари бўлган" сарлавҳали мақола чоп этилди. Журналист С. Род қаламига мансуб мазкур мақолада юртимиз бағрида жойлашган тарихий меъморий обидалар ҳамда мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти қаламга олинган.

Ранг-баранг суратлар билан бирга эълон қилинган ушбу мақолада Самарқанд, Бухоро, Хива сингари Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларида қад кўрган энг машҳур меъморий ёдгорликлар ва тарихий обидаларнинг тавсифи келтирилган.

иншоотлар сайёҳларни мафтун қилаётир".
"Ҳўшумомала бухороликлар очикўнгиллик билан сизга тарихий обидаларини кўрсатишади. Шуниси ҳайратланарлики, мазкур обидалар сўнгги икки аср мобайнида деярли ўзгармаган. Ушбу шаҳар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган бўлиб, унинг марказида қадимий масжид ва мадрасадан иборат маҳобатли қалъа жойлашган. Бундан ташқари, Бухорода XII асрда Осиёнинг энг баланд иншооти саналган, баландлиги 47 метр бўлган Минора Калон ва шаҳарнинг энг кўна биноси бўлмиш Исмоил Сомоний мақбарасига кўзингиз тушади", деб ёзади С. Род.

Муаллиф Ўзбекистон Осиёни Европа билан боғлаган қадимий Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашганини алоҳида таъкидлайди. Кўна ва ҳамisha навқирон Самарқанднинг тасвирлар экан. С. Род унинг ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлар сафидан жой олганини швейцариялик газетчиликларга маълум қилади. "Буюк Ипак йўлидаги географик жойлашуви туфайли Самарқанд доимо раванқ толган шаҳар бўлиб келган. Кўп асрлар мобайнида ушбу замин илм, маданият маркази, динлар уйғунлашиб кетган макон бўлиб, бу ерда буюк олим ва мутафаккирлар ижод қилганлар. Маҳобатли гўмбазлар, минораларнинг ажойиб меъморий кўриниши Самарқанд дунёнинг буюк шаҳри, барча замонларда ушбу заминга келган жаҳонгирларни ҳайратда қолдирган заминга айлантди", деб ёзади муаллиф.

Хива шаҳри ҳам мазкур мақолада ўзининг озодаллиги ва гўзаллиги билан инсонни ҳайратга солувчи "ложувард шаҳар" сифатида эътибор этилади. "Ушбу шаҳарнинг қадимий меъморчилиги, – деб ёзади муаллиф, – тасвирлаб бўлмас завқ-шавқ уйғотибди, ўзингизни шаҳар кўчалари ва бозорларида дунёнинг барча нукталаридан келган савдогарлар ва сайёҳчиларни учратиш мумкин бўлган Буюк Ипак йўли даврига тушиб қолгандай ҳис қиласиз".

Замонавий Самарқандга тўхталар экан, С. Род ҳозирги вақтда мазкур шаҳар энг жозибдор сайёҳлик йўналишларидан бири эканлигини алоҳида қайд этади. "Регистон майдони, Бибиҳоним масжиди ва бошқа ажойиб меъморий

Шунингдек, мақолада европалик сайёҳлар учун Ўзбекистонга сайёҳларни амалга ошириш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўз аксини топган. "Жаҳон" АА. Женева.

2012 йил – МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

ПАРКЕНТ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ, БАНДИККА КЎМАКЛАШИШ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ МАРКАЗИ ХАМДА ПРОКУРАТУРА ҲАМКОРЛИГИДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Унда 94 та муассаса ва ташкилот 320 та иш ўрни билан иштирок этди. Жумладан, "LUKBO TEKSTIL" корхонаси 200 та, йўл қурилиш бошқармаси 12 та, коммунал фойдаланиш давлат унитар корхонаси 18 та турли йўналишдаги бўш иш ўринларини тақдир қилди.
– Ярмаркага 400 га қкин ишлаш истаги борлар ташриф бурди, – дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари ўринбосари Бахтиёр Рухидинов. – Қувонарлиси, уларнинг 295 нафари турли корхоналар билан шартнома имзолашди.
Мадина НОРТОВЕВА.

Унда 94 та муассаса ва ташкилот 320 та иш ўрни билан иштирок этди. Жумладан, "LUKBO TEKSTIL" корхонаси 200 та, йўл қурилиш бошқармаси 12 та, коммунал фойдаланиш давлат унитар корхонаси 18 та турли йўналишдаги бўш иш ўринларини тақдир қилди.
– Ярмаркага 400 га қкин ишлаш истаги борлар ташриф бурди, – дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари ўринбосари Бахтиёр Рухидинов. – Қувонарлиси, уларнинг 295 нафари турли корхоналар билан шартнома имзолашди.
Мадина НОРТОВЕВА.

МАҲСУЛОТИГА ХОРИЖ ХАРИДОР

Чирчиқ шаҳридаги "Орзу текс" масъулияти чекланган жамияти тайёр тўқимачилик маҳсулотларини тайёрлашга иктисослашган.
Корхонани ташкил этишда "Ўзбек – Хитой" савдо уйи билан қилинган

ларилик замонавий дастгоҳ ва ускуналар келтириб, ўрнатилди. Мухими, ҳозир бу ерда 35 нафар чирчиқлик йигит-қизлар доимий иш ўринларига

эга бўлдилар. Улар томонидан тайёрланаётган табиий толали маҳсулотлар асосан, хорижга чиқарилмоқда.
Шокир МУРОДОВ.

ДАСТУР - АМАЛДА

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИГА - ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг мажлисида 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги аҳолини таҳлил қила туриб, алоҳида таъкидладики: "Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий оракда қолмоқдамиз. Шунинг учун унутмаслик керакки, катта-катта капитал қўйилган талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодийнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг орттиришига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади".

Юртбошимиз яқин йилларда мамлакат яли ички маҳсулоти таркибидида хизмат кўрсатиш соҳаларининг улушини 54-56 фоизга кўтариш вазифасини қўйди. Шу муносабат билан вилоятимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш, бунинг учун аҳолига замонавий турдаги хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш, шу орқали янги иш ўринлари барпо этиш бўйича 2012 йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, бу йил 1035 та янги хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этиш, шу йул билан 2683 та янги иш ўринлари очиб режалаштирилган.

Бугунги кунда шаҳар ва туманларимизда 13 миң 739 та хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари фаолият кўрсатмоқда, - дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Абдуҳақ Назиев. - Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши хизматлар ҳажмини 2010 йилдаги даражага нисбатан 48 баробарга кўтарди. Бу 2 триллион 617,3 миллиард сўм демакдир. Натижада жон бошига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми 1 миллион 264,7 миң сўмдан 2 миллион 216,9 сўмга етди.

Бу - гоат масъулиятли вазифа. Уни урдалашга барча бошқарув ва ҳўжалик идоралари баҳамжиҳат қилиши. Чўночи вилоят қилиш солиқ идоралари ташаббуси билан шаҳар ва қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида 100 та лойиҳа-этал тикиш ва таъмирлаш устаноналари ташкил этилди. Уларда коллеж битирувчилари малакали усталардан хўнар сирларини ўрганишмоқда. Шу тариқа йил охиригача 200 йигит мўким иш жўямога эга бўлади. Аҳолига транспорт хизматлари ҳажмини ошириш ва сўрватини яхшилашга эътибор кескин қўйилди. Хўзирги кунда шаҳар ва туманларда йўловчилар 545 та йўналиш бўйича транспорт хизматида баҳраманд бўлишмоқда. Дастурга биноан бу йил қўшимча 10 та автобус ва 10 та такси йўналишлари очилапти.

Айни пайтда фаолият кўрсатмаётган 50 та йўналишнинг 30 тасида қатновни қайта тиклаш мақсадида лизинг асосида 60 та "Исузи" автобуси харид қилинган. Маълумки, аҳолига транспорт хизматини кўрсатишда йўналишсиз таксилар фаолиятининг аҳамияти ортиб борапти. Уларнинг саноат-харакатларини мувофиқлаштириб, 36 та автоушмада шахсий машиналар эгалари билан катта тарбиявий ва ташкилий ишлар амалга ошириляпти. Таксилар учун 30 та махсус тўхташ жойи ташкил этилмоқда. Йўналишсиз таксилар ҳайдовчиларининг автоушмаларида 1,5 миңга яқин киши иш билан таъминланиши кўзда тутиляпти. Бу корхоналар лизинг асосида 1200 та "Нексия" ва "Ласетти" автомобиллари олапти.

Туризмни ривожлантириш аҳолига хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш учун улкан имкониятлар очмоқда. Дастурга биноан бу борада вилоятимизда 14 та истиқболли лойиҳани амалга оширишга киришилган. Бунинг учун тармоққа 5,8 миллиард сўм ва тўғридан-тўғри 3,2 миллион доллар миқдоридида хорижий инвестиция киритилмоқда. Чет эл сармоядорларини жалб қилиш ҳисобига Юқори Чирчиқ туманидаги Ором қўли атрофида соғломлаштириш мажмуаси бунёд этишга 1,2 миллион АҚШ доллари сарфланмоқда. Ангрэн шаҳридаги "Янгиобод - Жемчужина Чаткал" масъулияти чекланган жамиятида кенг қўламли реконструкция ишлари бошлаб юборилган. Бунинг учун 2 миллион АҚШ доллари миқдоридида инвестиция ўрналаштирилди. Уларда урғача ойлик тушум 60 миллион сўмгача етиши назарда тутиляпти. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижада бу йил ялли худудий маҳсулот таркибиде хизматларнинг улуши 42,8 фоизга етиши кўтилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, вилоят ҳўкимлиги 2012-2016 йилларга мўлжалланган истиқболли режаларни белгилади. Уларнинг бажарилиши натижада 2016 йилга бориб соҳадаги ўсиш сўрвати бу йилгидан 141,8 фоиз кўтарилиши кўтилмоқда.

Жўрабек МУРОДОВ.



КОРХОНА МАНЗИЛИ: БАЙТҚЎРҒОН

Бу, табиийки, каттагина миқдордаги валюта сарфини ҳам талаб этади. Янги ташкил этилган корхонамизнинг асосий йўналишини белгилаб олишимизда мана шу омили дастлабки туртки бўлди, десак хато қилмаймиз. Хар қандай янгилик, истиқболли лойиҳани қўллаб-қувватловчилар ҳар жойда топилади. Шу тақдирда тадбиркорнинг интилишлари ҳам зое кетмади. Қисқа муддатда ер ажратилди, цех қурилиши бошланди. Тижорат банки лойиҳа рўёби учун керакли миқдорда кредит ажратди. Тадбиркор хитойлик (Давоми. Боши 1-бетда).

ҳамкорлар билан келишиб, корхонага 360 миң АҚШ долларидек энг сўнгги русумдаги технология линияларни келтириб ўрнатди. Ускуна ва жиҳозларни монтаж қилиш чоғида корхонага ишга жалб этилган 20 чоғлик қишлоқ ёшлари хорижлик мутахассислардан замонавий технология асосида ишлашни мукамал ўрналаштиришди. Ниҳоят, янги чехдан янги маҳсулот - чақалоқлар ва уч ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган турли ўлчамдаги соф гигиеник воситалар чиқа бошлади. Интилганга толе ёр, деган гап бор. Бинобарин, тадбиркор Ҳабибулла Абдиев бошчилик қилаётган

жамоа ҳам ўз фаолияти кўламини муттасил кенгайтириб бориш ҳаракатида. Бунинг учун хорижлик шериклар билан ҳам ашё таъминотини изга солиш, тақши бозорлардан ҳам харидорлар топиш, маҳсулот сифатини энг юқори талаблар даражасига олиб чиқиш бўйича истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу яқин орада барқарор равишда хар дақиқда 400 донагача маҳсулот тайёрлаш, қўшимча янги иш жойлари яратиш имконини ҳам беради. СУРАТААДА: корхона фаолиятинан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



МАТБУОТ АНЖУМАНИ

МАҲСУЛОТ МАРКАЛАШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ

Давлат божхона қўмитаси томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Товарларни маркалашнинг янги тартиби: махсус индентификацион белгилар" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда тадбиркорлик субъектларининг кенг қўламага фаолият кўрсатишлари ва улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиши,

контрабанда товарларини четдан келтириш ва сотишнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтиришни тақомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида"ги қарорини бажариш борасидаги ишлар ҳақида батафсил ахборот берилди.

қоғозлардан тайёрланмоқда. Идентификация белгилари билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган истеъмол товарларининг четдан келтирилишини назорат қилиш Давлат божхона қўмитаси ходимларига юкланган. Уларни сотиш ва саклашни назорат қилиш эса Давлат солиқ қўмитаси ходимлари томонидан амалга оширилмоқда. Эътироф этиш жоизки, истеъмол товарларини индентификация белгилари билан маркировка қилиш тўлалигича божхона органлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва истеъмол товарларини индентификация белгилари билан маркировка қилиш учун уларни импорт қилаётган ташки иқтисодий фаолият иштирокчиларидан ҳеч қандай тўловлар олинмайди. Анжуман сўнгиде журналистлар ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб олдилар. Олдузхон МУХИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ЖАМИЯТДА ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС

ЎЗМТДП Урта Чирчиқ туман кенгаши ижроия қўмитаси, "Қамолот" ЁИҲ фаоллари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ходимлари иштирокида "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда бугун мамлакатимизда хар томонлама соғлом ва баркамол авлоднинг воғна етказишга қаратилган ётган юксак эътибор, уни бўлиб келаятган ёшларнинг миллият ва умминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш йўлида қилинаётган кўндан-кўп тарихий ишлар хусусида сўз борди. Бунинг замирида битта буюк мақсад - ҳам бўлса, Ватанимизнинг таянчи ва сунъчи бўлишга қодир чинакам ишончли ворисларни қўриқиб кўтулғу ният борлиги ёшларга янада кўпроқ масъулият юклаш хусусида мулоҳазалар билдирилди.

Ёшларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга нисбатан фаол фуқаролик нуктани назарини мустаҳкамлаш орқали партия сафини сиёсий фаол, ташаббускор ва янгича фикрлайдиган аъзолар билан кенгайтириш зарурлиги каби масалалар ҳам муҳокама қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига аъзо бўлиш мақсадида ариза билан мурожаат қилган фуқароларга аъзолик гувоҳномалари тантанали тарзда топширилди. Шаҳло ШУКУРОВА.

ҲАР ТАРАФЛАМА УНУМЛИ ҲАМКОРЛИК

"Қучли давлатдан қучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга татиқб этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бугун юртимизда 5900 дан зиёд ана шундай нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Уларнинг жамият ҳаётидаги эркин ва самарали фаолияти натижада мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда ижобий натижаларга эришилмоқда. 400 дан ортиқ аъзолари бирлаштирган Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Фонди ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида

ўтказилган йиғилишда ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш хусусида сўз борди. "Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари: ҳамкорлик ва самара" мавзусида ўтган маъруза тадбирда аёллар, ёшлар, экология, таълим ва бошқа қатор йўналишлардаги Давлат дастурларини амалга оширишдаги саноат-харакатларни янада қучайтириш, бу жараёнларга жамоатчилик фикрини ўрганиш, шу билан бирга унда фуқаролар иштирокини таъминлаш лозимлиги қайд этилди.



ОҲАНГАРОНДАГИ СУҲБАТ

Оҳангарон туманидаги "Лаззат-Лағофат" фермер хўжалигида "Фермерлик ва тадбиркорлик тараққиёти - мустақам оила фаровонлигининг манбаи" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Уни O'zLiDeU вилоят кенгаши аёллар ва ёшлар қанотлари туман партия кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этди.

Партия ходимлари, депутатлик гуруҳи аъзолари, хотин-қизлар қўмитаси, фермерлар уюшмаси, банк муассасалари, ёшлар ташкилотлари вакиллари ва фаоллар фермерлик ва тадбиркорликнинг мустақам оилани шакллантиришдаги аҳамияти, бу жараёнларга ёшларни янада кенг жалб этиш масалалари юзасидан атоффида фикрлашилди, ўз мулоҳазалари ва тажрибалари билан ўртоқлашилди. Давра суҳбатиде иштирок этган "Ёшлик", "Бахт", "Мустақиллик", "Адолат" маҳаллалари вакиллари ва бошқа катнашчилар ўзларининг муаммоли саволларини ойдинлаштириб олишди.

Юсуф ЖУМАЕВ. СУРАТАДА: давра суҳбатидан лавҳа. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ДАЛИЛЛАРНИ МЕНСИМАСЛИК АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Қурилиш ва архитектура агентлиги раҳбарининг ўринбосари Нурали Саидов 2012 йил 16 июль кўни бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу йил 12 июлда "Правда Востока" газетасида чоп этилган мақолада кўтарилган Роғун ГЭСи қурилиши масаласи юзасидан изоҳ берди. Н. Саидов матбуот анжумани қатнашчиларини Роғун ГЭСи майдонида "фақат қайта тиклаш ишлари олиб борилаётгани ва ҳеч қандай янги объектлар қурилмаётгани"га ишонтиришга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Лекин қанчалки уринмасин, унинг баёноти Тожикистон томони маъруза ГЭС қурилиши лойиҳаси мустақил халқаро экспертизадан ўтмагунча Роғун ГЭСи қурилишига йўл қўймаслик бора-сида ўз зиммасига олган мажбурийларни қўпол равишда бузаётгани ҳақида халқаро ҳамжамият ташвишига тушаётгани асосли эканини яна бир бор тасдиқлади.

етиш арафасида экани таъкидланди. "Биз аввало, бу ишларни сифатли яқуллашимиз, шундан сўнгинча Вахш дарёси ўзанини тўсишга киришимиз лозим", - деди Н. Саидов. Унинг айтишича, "Роғун ГЭСининг икки агрегати учун даяриб барча зарур ускуналар тайёрланган ва олиб келиб қўйилган". Шу билан бирга, у "айни пайтда Роғун ГЭСи қурилиши майдонида саккиз миң нафардан ортиқ курувчи, жумладан, чет эллик курувчилар ишлаётгани"ни маълум қилди. Тожикистон Молия вазирлигининг 2012 йил 19 июлда берган баёноти ҳам Роғун ГЭСи комплекси қурилиши жадал сўрватда давом эттирилаётганини тасдиқлайди. Ушбу баёнотда "Роғун ГЭСи лойиҳасини буюджетдан молиялаштириш пойдевори 100 метр қалинлидаги тўз қатламида жойлашгани ва у ерда

ажратилиши кўзда тутилган ва бу жараён тўхтатилмайдиган", деб қайд этилган. Тожикистон томони ўзини Жаҳон банкига берган баландпарвоз ваъдалари ва мажбуриятларининг гўёки, унга алоқаси йўқдек қисқа қилаётгани ҳамда бугунги кунда Жаҳон банки томонидан 20 миллион доллар миқдориде "лутфан" тақдим этилган пул эвазига ўтказилаётган халқаро экспертизанинг қўлаётган натижалари уни асло жилавлай олмаслигини исботлаш учун яна қандай далиллар керак? Шу ўринда ҳақли савол туғилди: агар Жаҳон банкининг халқаро экспертизаси натижалари бўйича Роғун ГЭСи қурилиши танланган маъруза майдонида улкан тўғон қурилишига йўл қўйиб бўлмаслиги, негаки унинг пойдевори 100 метр қалинлидаги тўз қатламида жойлашгани ва у ерда

Рихтер шкаласи бўйича 9-10 балли эзилгалар тез-тез рўй бериб, тоғ жинслари кўчи туриши ҳақида ҳулосага келинса, Тожикистон ҳукумати қандай аҳволда қолади? Иккинчидан. Балки юқориде зикр этилган "мустақил" экспертизани ўтказишдан мақсад курувчилар ва бюртамчиларнинг жорий фаолиятини никоблаш, халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик ҳўшёрлигини сўсайтириш ҳамда пиروвардида, уларни ушбу объект қурилишини ортага қайтариб бўлмаслигига ишонтиришдан иборатдир?

Ўзбекистон Тожикистон томонини халқаро ташкилотлар, институтлар ва тадқиқот ташкилотларини бу тарзда чалғитишга уринишлар гоят аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида яна бир бор оғохлантиради.

корхонада ҳозир 14 киши меҳнат қилмоқда. Улар томонидан хар қуни 10 турдан зиёд сифатли нон ва нон маҳсулотлари тайёрланади, пешма-пеш худуддаги савдо нукталарига етказиб бериляпти. Али МУРОДОВ.



«МУАЗЗАМ МАЙДОНДА НИЯТ ҚИЛДИМ»

Миллионлаб спорт ихлосмандларининг диққат-этиборини тортувчи ёзи олимпиада уйинлари бошланди. Лондон мезбонлик қилаётган XXX ёзи олимпиада уйинларида жаҳоннинг 205 мамлакатидан 12 минг 500 нафар спортчи иштирок этади. Улар байдарка, каноэда эшак эшиш, бокс, бадий гимнастика, юнон-рум ва эркин кураш, оғир атлетика, тазкандо, футбол, кўл тўпи, синхрон сузиш каби спортнинг 31 тури бўйича ўз куч ва салоҳиятларини ишга солиб беллашадилар.

Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзи олимпиада ва XIV Паралимпиада уйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида" ги қарорига асосан кўрилган пухта тайёргарлик натижаси ўлароқ, 54 нафар спортчимиз ушбу нуфузли мусобақада қатнашиш бахтига муяссар бўлди. Улар 16 спорт тури бўйича Ватанимиз шарафини ҳимоя қилдилар. Кувонарлиси шундаки, улар орасида Муроджон Холмуродов, Вадим Меньков, Фазлиддин Ғоибназаров, Руслан Макаров, Шерзоджон Юсупов, Акмал Эргашев, Наталья Маматов, Дилшод Мансуров, Елмурод Тасмуродов каби ўндан зиёд виллоятимиз вакиллари ҳам бор.

Сафар олди ҳаяжонлари ҳақида сўбатлашдик. — Олимпиада уйинларида иштирок этиш ҳар бир спортчининг улкан орузиси, — дейди велоспорт бўйича Ўзбекистон чемпионати ҳамда Кубоги уйинларида иштирок этишга тайёргарлик Муроджон Холмуродов. — Ушбу спорт тури билан 12 йилдан буён шуғулланаман. Утган йиллар давомида аниқ мақсад билан ўз устимда тинимсиз ишладим. Ниҳоят, машаққатли меҳнат самара берди ва мен Лондонга йўл оламан. — Замонавий меъёрлар асосидаги ўқув-машгулотларни ўтатиш, ўз тажриба ва маҳоратимизни оширишнинг энг яқин шарт-шароитлар яратиб берилди, — дейди 2005 йилдан буён оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси



аъзоси Иван Ефремов. — Демак, биз ушбу халқаро мусобақада муносиб иштирок этиб, кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликка жавобан юқори натижаларни кўлга киритишимиз лозим. Менга билдирилган бундай ишончи оқлашга астойдил ҳаракат қиламан. — Оғир атлетика билан 12 ёшимдан буён шуғулланаман. 2011 йил Франциянинг Париж шаҳрида кечган жаҳон чемпионатидаги иштироким тудайли олимпиада йўлнамасига сазовор бўлдим, — дейди оғир атлетика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Шерзоджон Юсупов. — Спортнинг қай тури бўлишидан қатъи назар, инсон

саломатлигига ҳар жиҳатдан фойдали. Бундан ташқари, фақат спортинга мамлакатни қисқа фурсатда дунёга танитиши мумкин. Шунингдек, ривожланган давлатлар қаторидан мустақам жой эгаллашга, қолаверса нуфузи ва обрўсини оширишга муносиб ҳисса қўшади. Шу сабабли ҳам бугун зиммамизда қанчалик масъулиятли вазифа турганини чуқур ҳис этаяман. — Олимпиада уйинларида Ўзбекистонимиз байроғи баланд кўтарилганини кўриш, мадҳиямиз янграшини эшитиш мен учун чексиз бахт, юксак шараф, — дейди бокс бўйича 2006 йил ўсмирлар ўртасида

ҳамда 2008, 2009, 2010 йилларда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатлари голиби Фазлиддин Ғоибназаров. — Мустақиллик ва эзулик монументи пойига гул кўярганман, кўнглимда аллақандай кечинмаларни туйдим. Муаззам майдонда туриб, юртимга ёруғ юз билан қайтишни ниҳоят қилдим. Зеро, бизни аждодларимиз руҳи кўллашига ишонаман. — Менга ишонган отанамга, меҳнатини аямай, керакли маслаҳатларини берган мураббийларимга, шу билан бирга ешларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман, — дейди эркин кураш бўйича она диёримиз шаънини ҳимоя қилишга отланган Дилшод Мансуров. — Насиб қилса, албатта медаллар шодаси билан қайтамиз.

Эртанги кунга ишонч билан яшаб, ўз бахтини Ватан тақдирини қўраётган спортчиларимизга улкан зафарлар тилаб, юртимизнинг мард фарзандлари нималарга қодир эканлигини дунё ахлига яна бир бор намоён этишларини тиладим. **Ирода МАКСУД қизи.**



иктисодий инқироз сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, мамлакатда ишсизлик даражаси ҳам кескин ошиб бормоқда. Мутахассислар фикрича, бундай ҳолат хали узоқ вақт давом этиши мумкин.

ИНҚИРОЗ ОҚИБАТЛАРИ

Испанияда ялли ички маҳсулот ўсиши 2012 йилнинг иккинчи чорағига биринчи чоракка нисбатан яна 0,4 фоиз пасайди.



Бу ҳақда мамлакат оммавий ахборот воситалари хабар тарқатди. Бундай ноҳус ҳолатга дунёда ҳануз давом этаётган, айниқса, Европа мамлакатларида тобора кучаяётган молиявий-

НИГОҲ

«АЪЛО» БАҲОНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Таълим савияси — бутун мамлакат келажакининг пойдевори қай даражада мустақамлигини белгиловчи омил. Бугун таълим тизими ҳар томонлама барқамол, интеллектуал жиҳатдан пишиқ-пухта ва умилли ёшларни тарбиялашга алоҳида ўрин тутади. Унаб ҳалқаро ташкилотлар ушбу мураккаб ишда амалий ёрдам бериш мақсадида турли мамлакатларга ҳар

қилиб мақтаб ўқитувчилари ва олий ўқув юрталари педагоглари билан семинарлар, тренинг ва илмий учрашувлар ўтказмоқда. Аммо, бундай ҳолис, бегараз ҳиммат ҳамма ерда ҳам лозим даражада хайрихоҳлик билан қабул қилинавермайди. Айрим давлатларда, ўқитувчиларни қўйиб турилай-у, ҳукуматнинг ўзи ҳам халқ таълимига бефарқ муносабатга.

Ҳаммаси мақтаб партасида бошланади, дейимиз. Бироқ, бугун Тожикистонда мақтаб таълими савияси йўл қўйиб бўлмайдиган даражада пастга тушиб кетди. Мақтаб ўқувчилари тарих, география, математика каби асосий дарслардан умумий билимга ҳам эга эмаслар.

маслиҳат ҳаракат қилади. Бу, албатта, таълим дастурининг маънавий-руҳий жиҳатига тегишли.

Бундан ташқари, халқ таълими тизимида болаларнинг сифатли мақтаб таълимининг олишларига тўғноқ бўлаётган яна бир иллат бор. Таълимнинг ҳақиқатини билмаган ҳам эга эмаслар. Ахвол шундай бўла туриб, ўқувчиларнинг ота-оналари исталган мақтаб директори билан ўз фарзандларининг битирганлик шохадотномаларида фақат "беш" баҳо-лар бўлиши хусусида бемаълум келиша оладилар.

Бундан ташқари, халқ таълими тизимида болаларнинг сифатли мақтаб таълимининг олишларига тўғноқ бўлаётган яна бир иллат бор. Таълимнинг ҳақиқатини билмаган ҳам эга эмаслар. Ахвол шундай бўла туриб, ўқувчиларнинг ота-оналари исталган мақтаб директори билан ўз фарзандларининг битирганлик шохадотномаларида фақат "беш" баҳо-лар бўлиши хусусида бемаълум келиша оладилар.

Нима бўлди деб сўрасам, Сержан урганини айтиди. Мен Сержан билан гаплашиб, укамни уйга кетишини айтганимда, кетса-кетса таварисин, лекин бир тийин ҳам бермайман, укам учун Дилшод 50 минг тенге олиб кетди, деди.

Бундан ташқари, халқ таълими тизимида болаларнинг сифатли мақтаб таълимининг олишларига тўғноқ бўлаётган яна бир иллат бор. Таълимнинг ҳақиқатини билмаган ҳам эга эмаслар. Ахвол шундай бўла туриб, ўқувчиларнинг ота-оналари исталган мақтаб директори билан ўз фарзандларининг битирганлик шохадотномаларида фақат "беш" баҳо-лар бўлиши хусусида бемаълум келиша оладилар.

Эҳ, одамлар... Наҳот қилгуликларимнинг қайтиши бор, деб ўйлашмасан?! Шириндан-шаҳар фарзандларга ота-онаси жиноятчи, деган бир умрлик тамга босилишига ким айбдор? Албатта, ўзлари. Жигаргўшасига шундай кунларни раво кўрганларини қандай кечирсин мумкин...

Бундан ташқари, халқ таълими тизимида болаларнинг сифатли мақтаб таълимининг олишларига тўғноқ бўлаётган яна бир иллат бор. Таълимнинг ҳақиқатини билмаган ҳам эга эмаслар. Ахвол шундай бўла туриб, ўқувчиларнинг ота-оналари исталган мақтаб директори билан ўз фарзандларининг битирганлик шохадотномаларида фақат "беш" баҳо-лар бўлиши хусусида бемаълум келиша оладилар.

Жиноятчилар қилмишларига яраша жазо олдилар. Дилшод Нурматов 11 йил, Дилрабо Худойберганова 8 йил 6 ой, Зилола Йўлчибоева ҳам 8 йил 6 ой, Олтинбек Жумақмедов 9 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бундан ташқари, халқ таълими тизимида болаларнинг сифатли мақтаб таълимининг олишларига тўғноқ бўлаётган яна бир иллат бор. Таълимнинг ҳақиқатини билмаган ҳам эга эмаслар. Ахвол шундай бўла туриб, ўқувчиларнинг ота-оналари исталган мақтаб директори билан ўз фарзандларининг битирганлик шохадотномаларида фақат "беш" баҳо-лар бўлиши хусусида бемаълум келиша оладилар.

Фарзандларга яши тарбия бериш, уларни меҳнатга ўргатиш зиммамиздаги масъулиятдир. Бунда, энг аввало, ўзимиз уларга ўрнак бўла олишимиз керак.

Бундан ташқари, халқ таълими тизимида болаларнинг сифатли мақтаб таълимининг олишларига тўғноқ бўлаётган яна бир иллат бор. Таълимнинг ҳақиқатини билмаган ҳам эга эмаслар. Ахвол шундай бўла туриб, ўқувчиларнинг ота-оналари исталган мақтаб директори билан ўз фарзандларининг битирганлик шохадотномаларида фақат "беш" баҳо-лар бўлиши хусусида бемаълум келиша оладилар.

ОБОД ЮРТ ҚИЗЛАРИ

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилганига 10 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, бу юксак эътирофга 182 нафар қизларимиз сазовор бўлишди. Улар бугун ўз танлаган йўналишлари бўйича жамиятнинг турли жабҳаларида самарали фаолият юритмоқда. Улар орасида спорт соҳасидаги ютуқлари учун бу мукофотга сазовор бўлган 15 нафар совриндорларнинг борлиги қувонарли албатта.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Олимпия шон-шухрати" музейида ташкил этилган "Обод юртинг бахтли қизлари" деб номланган тадбирда шу жиҳатлар яна бир қарра эътироф этилди. Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг спорт соҳасида кўлга киритган ютуқлари тақдироти ҳам ўтказилди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти Республика комиссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этиди.

Учрашув иштирокчилари йиғилганларга ютуқ ва режалари, уларга берилган юксак мукофотдан руҳланиб айна кунларда амалга ошираётган ибратли ишлари, Ватанимиз ривожини, унинг спорт соҳасида жаҳонга юз тутишида қўлаётган ҳиссалари ҳақида тўққинлаб гапиришди.

"Туркистон-пресс".

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Шифокорларнинг айтишича, туғилажак фарзанда яхши ва ёмон фазилатларнинг аксарияти она генлари орқали ўтар экан.

Демак, онадаги ақл-фаросат, меҳр-муҳаббат, ҳаёндаши, оқиллик каби хусусиятлар жигаргўшасига сингади. Она хушхулқ бўлса, хўп-хўп... Дилрабо Худойберганова (исм-шарифлар ўзгартирилган) каби пул топиш илминини ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, бу йўлда инсон кадр-қийматини поймол қиладиган аёл бўлмасми? Устига-устак, кингир ишлардан уялмас, фарзандларига ҳаром лўқмани едиришдан орланмас, буни қандай изоҳлаш мумкин? Агар Дилрабо оиласи даврасида тинч-тотув ҳаёт кечирганини истаганда, муқаддам судланган турмуш ўртоғини йўлдан қайтарган бўлар эди.

У эса эрига шерик бўлиши афзал кўрди... Дилшод 2010 йилнинг май ойида Қозғистон Республикасига отланди. Абай қилмоғида ишга жойлашиб, бироз вақт ўтгач, аёлини ҳам қақирди. Улар қозғистонлик Канат исмли одамнинг нон чеҳида ишлаш бошладилар. Ўн беш кун ўтар-ўтмас Дилрабо номалум сабабларга кўра, уйига қайтиб келди. Канат ва Дилшод ақасининг қўнғироғига кўра, йиғитларни ишга юборишга киришди. Нафси ҳаққалак отган эр-хотиннинг иши шу даражага бориб етдики, улар ўзининг жинорий шериклари билан бирга ўнга яқин йиғитларни қўшни давлатга сотиб юборишди. Алаҳ оқибат улар қора курсидан ўрин эгалладилар. Бироқ, энди кеч...

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида қўнғирдагилар маълум бўлди. Дилшод ва Дилрабо танишлари Олтинбек билан бирга 2010 йил май ойининг ўрталарида Чиноз туманида яшовчи Халил Мирзалиевнинг икки фарзанди Нодир ва Жасурларни қозғистонлик шерик-

ортириш мақсадида янгийўллик Эрнест, Акмал ва Сардорга қўшни давлатда арматура заводида ишлашларини, уларга 30 минг тенге маош тўланганини ваъда қилиб, Нурлан ва Канатдан ҳар бирига 25 минг тенгедан олишди. Етмаганига Азиз ва Исмоил ҳам уларнинг жабрдийдаларига айланди.

кига бордим. Ҳаммалари яхши юргангани, дадам мени сўраётганини айтди. Менга ҳам бориб ишлашни таклиф қилишди. Рози бўлдим. Дилшод ака мени Янгийўл туманидаги Навоий чегара пости атрофидаги айланма йўллар орқали, сеим тўсиқлар тағидан Қозғистонга ўтказиб қўйди ва ортга қайтди. Ҳайдовчи Сержан исмли кишининг дўқони олиб борди. У ерда укамни кўрдим. Унинг лаби шил-шил, кўкариб кетган экан.

Нима бўлди деб сўрасам, Сержан урганини айтиди. Мен Сержан билан гаплашиб, укамни уйга кетишини айтганимда, кетса-кетса таварисин, лекин бир тийин ҳам бермайман, укам учун Дилшод 50 минг тенге олиб кетди, деди.

Эҳ, одамлар... Наҳот қилгуликларимнинг қайтиши бор, деб ўйлашмасан?! Шириндан-шаҳар фарзандларга ота-онаси жиноятчи, деган бир умрлик тамга босилишига ким айбдор? Албатта, ўзлари. Жигаргўшасига шундай кунларни раво кўрганларини қандай кечирсин мумкин...

Жиноятчилар қилмишларига яраша жазо олдилар. Дилшод Нурматов 11 йил, Дилрабо Худойберганова 8 йил 6 ой, Зилола Йўлчибоева ҳам 8 йил 6 ой, Олтинбек Жумақмедов 9 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Фарзандларга яши тарбия бериш, уларни меҳнатга ўргатиш зиммамиздаги масъулиятдир. Бунда, энг аввало, ўзимиз уларга ўрнак бўла олишимиз керак.



— Эчкимни ҳам олиб чиқсам майлими?
— Пулини тўласангиз, сигирни ҳам ортаверамиз!

РАССОМ ХАНДАСИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

БУ — ҚИЗИҚ

СУВ ОСТИ САЙРИ

Швейцариялик кашфиётчилар куруқликда ва сув остида ҳаракатлана оладиган ноёб автомобиль яратди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, замонавий кўринишдаги усти очик бу машина денгиз тубида ҳам куруқликда юргандек эркин ҳаракатлана олади. Маълумотларга қараганда, сув остида сайр қилиш имконини берувчи ушбу машинани ишлаб чиқариш учун 750 минг фунт-стерлинг миқдориди маблағ сарфланган.



ЯНГИ ТОПИЛМА

Австрияда мастодонт (катта филсимон ҳайвон) суяги топилди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мастодонтнинг дандон тишларидан бири тўрт, иккинчиси уч метр бўлиб, оғирлиги уч-тўрт тоннагача етади. Экспертлар топилмадаги ДНКни текшириш орқали мастодонтларнинг нима сабабдан қирилиб кетганини аниқлаш имконига эга бўлганлар. Уларнинг айтишича, мастодонтлар мамонтлар сингари Шимоллий Америкада ўн минг йил муқаддам, Европада эса тахминан икки миллион йил аввал яшаган.

У.а.